

## БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ АХБОРОТ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНИШ КОМПОНЕНТЛАР

Самиева Комила Олимжон кизи

Ўзбекистон Миллий Университети талабаси.

**Аннотация:** Ушбу мақолада бошланғич синф ўқитувчисининг ахборот–коммуникатив компетентлигини ривожланиш компонентлари ва уларга бериладиган таърифлар ҳақида баён этилган.

**Калит сўзлар:** Компетент, мутахассис, ахборот, коммуникатив, мотивацион, эҳтиёж, фаолият, операцион, когнитив, назорат, коррекцион, рефлексив, прогностик.

**Аннотация:** В данной статье описаны компоненты развития информационно-коммуникативной компетентности учителя начальных классов и их показатели.

**Ключевые слова:** Компетентный, экспертный, информационный, коммуникативный, мотивационный, исследовательский, деятельностный, операциональный, познавательный, контрольный, коррекционный, рефлексивный, прогностический.

**Abstract:** This article describes the components of the development of information and communication competence of a primary school teacher and their indicators.

**Keywords:** Competent, expert, informational, communicative, motivational, research, activity, operational, cognitive, control, corrective, reflective, predictive.

### Кириш

Компетентлик мутахассиснинг ажралмас хусусияти бўлиб, бошланғич синф ўқитувчисининг ахборот – коммуникатив компетентлигини ривожланиши қуйидаги компонентларни ўз ичига олади: *мотивацион ва эҳтиёжга асосланган, фаолиятли - операцион, когнитив, назорат – коррекцион, рефлексив - прогностик.* [1; 26-6]

Юқорида айтиб ўтилган компонентлар бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларни ахборот – коммуникатив компетентлигини умумий хусусиятларини инкор этмайди, шунга қарамай, тадқиқотимиз доирасида улардан фойдаланиш маълум аҳамиятга эга, ҳамда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ахборот – коммуникатив компетентлигини ривожланиш даражасини аниқлашга имкон беради.[2;3-6]

Юқоридаги компонентларни қисқача тавсифини келтириб ўтамыз.

*Мотивацион ва эҳтиёжли фаолиятга асосланган компонент ахборот – коммуникатив компетентлигини ривожлантириш учун барқарор ижобий мотивларни яратади; ахборот-коммуникатив фаолиятнинг аҳамиятини тушунишни; ахбороткоммуникатив жараёнларига тегишли хатти-ҳаракатни онгли равишда танлашни амалга оширишни; ўқитувчининг ахборот – коммуникатив компетентлигини ривожлантиришга бўлган эҳтиёжини; АКТга ижобий муносабатни акс эттиради ва касбий вазифаларни ҳал қилишда замонавий АКТни қўллашни; ички мотивларни, бўлажак касбий ўсишни; ташқи мотивлар-бу моддий ва маънавий рағбатлантириш, жамоада ўзини ўрнини топиш истаги каби вазифаларни ўз ичига олади.*[3;5-6]

### Тадқиқот методи

*Фаолиятли – операцияон фаолиятга асосланган компонент* ахборотни таҳлил қилиш, умумлаштириш, натижаларни тақдим этиш, касбий фаолиятда АКТдан фойдаланиш қобилиятини англатади; керакли кўникмалар мавжудлигини аниқлайди, ўқитувчининг самарали ахборот-коммуникатив фаолиятини таъминлаш; мулоқот жараёнида ахборотдан самарали фойдалана олиш; бошланғич синф ўқувчиларининг ахборот-коммуникатив кўникмаларини шакллантириш қобилияти; АКТдан фойдаланиш асосида бошланғич синф ўқув жараёнининг барча субъектларининг ўзаро алоқа ва таъсирини ташкил этиш қобилияти; лойиҳалаш ва конструктив фаолиятни (ўқув ва касбий фаолиятда ахборотни қайта ишлаш воситаларидан фойдаланиш қобилиятини), инструментал тизимларни танлаш, дастурий ва услубий воситаларни ишлаб чиқиш ва уларни ўз фанини ўқитиш жараёнида фойдаланиш қобилиятини ривожлантиради. [4;4-б]

*Когнитив фаолиятга асосланган компонент* бошланғич синф ўқувчиларни ўзига ҳос хусусиятлари, уларнинг АКТ соҳасидаги кўникмаларини шакллантиришнинг усул ва шакллари ҳақидаги билимларни ифодалайди ҳамда таълимда АКТдан фойдаланишнинг психологик-педагогик асосларини, информатика фанидан мукамал билимларга ва дастурий таъминот асосларини, педагогик маълумотни компьютер орқали қидириш ва қайта ишлаш жараёнини билиш (ахборотни қайта ишлаш воситаларидан фойдаланиш, дидактик материални яратиш, ахборотни қидириш ва қайта ишлаш, ахборот ва алоқа манбаларини танлаш, ахборот алмашиш ва алоқаларини шакллантириш қобилияти) каби ыобилиятларни ривожлантиради.

*Назорат – коррекцион фаолиятга асосланган компонент* билим, кўникма, фаолият методлари параметрларини, ахборот-коммуникатив фаолияти даражасини, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ўқув фаолиятидаги ахборот – коммуникатив компетентлигини ривожлантиришни таъминлайдиган технологияларнинг самарадорлигини текширишга ёрдам беради ва агар эҳтиёж бўлса, ахборот – коммуникатив компетентлигини ривожлантириш таркибига ўзгаришлар киритади, ҳамда АКТ ёрдамида талабаларнинг таълим ва ривожланиш динамикасини кузатиш қобилиятини шакллантиради.

### Тадқиқот натижаси.

*Рефлексив-прогностик фаолиятга асосланган компонент* - бу бўлажак бошланғич синф ўқитувчисининг АКТдан фойдаланишда ўз касбий нуқсон ва камчиликларни англаш билан боғлиқ ўзини ўзи бошқаришнинг ривожланганлик даражасини кўришимиз мумкин. АКТдан фойдаланиш даражаси, унда рефлексив интроспекция ва ўз-ўзини баҳолашни назорати ҳамда рефлексив-прогностик фаолиятни амалга ошириш қобилиятига, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўзини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжга эътибор қаратилади.

Юқоридаги келтирилган барча кўникмалар бошланғич синф ўқитувчисининг ўз касбий вазифаларини юқори даражада бажариши учун касбий фаолиятида зарур омил сифатида ҳизмат қилади. Тақдим этилган компетентлик ва уларнинг мазмуни таълимни модернизация қилиш ва умуман жамият ҳаётини янгилаш жараёни билан узвий боғлиқ ҳолда модернизациялаш жараёни англатади.

### Хулоса

Биз томондан аниқлаган бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг ахборот – коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг таркибий қисмларини ҳисобга олган ҳолда компетентликни ривожлантиришнинг таркибий қисмлари ва кўрсаткичлари мезонларини белгилаб олдик. [5;4-б]

Мезонлар	Кўрсаткичлар	Диагностика усуллари
Мотивацион ва эҳтиёжли фаолиятга асосланган компонент	ахборот – коммуникатив компетентлигини аҳамиятини англаш; ахборот – коммуникатив компетентлигини ривожлантириш учун мотивацияни ва АКТ фойдаланиш қўникмаларини ривожланишига қизиқиш мавжудлиги; ахборот – коммуникатив компетентлигини аҳамиятини тушиниш.	Анкеталаш
Фаолиятли – операцион фаолиятга асосланган компонент	АКТга асосланган фаолиятни режалаштириш ва амалга ошириш, ахборотни таҳлил қилиш, умумлаштириш, натижаларни тақдим этиш, таълим ва касбий фаолиятда АКТдан фойдаланиш қобилияти ҳамда АКТ асосида дидактик ўқув материални яратиш қобилияти.	Тест синовлари
Когнитив фаолиятга асосланган компонент	ахборот – коммуникатив компетентлигини ривожланиш хусусиятларини билиш; бошланғич синф ўқувчилари томонидан АКТни ўзлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини билиш; АКТдан фойдаланишнинг психологик-педагогик асосларини билиш;	Анкеталаш, тест синовлари
Назорат – коррекцион фаолиятга асосланган компонент	ахборот – коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг турли босқичларида ахборот – коммуникатив компетентлигини ривожланганлик даражасини текшириш қобилияти; АКТ асосида таълим ва ахборот-коммуникатив компетенликларни ривожланиш динамикасини кузатиш имконияти.	тест синовлари
Рефлексивпрогностик фаолиятга асосланган компонент	ахборот – коммуникатив компетентлигини ривожлантириш жараёнида талабаларнинг кийинчиликларининг сабабларини аниқлаш қобилияти; рефлексив жараёни ва ўз-ўзини баҳолаш, таҳлил қилиш қобилияти; ўз имкониятларининг объектив баҳолаш;	Анкеталаш, тест синовлари, ўқув машғулотлари давомида талабалар фаолиятини таҳлил қилиш, суҳбат.

### References:

1. Муслимов Н.А. ва б. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. –Т.: Фан ва технология, 2013.
2. Saidova, N. O. (2021). МАКТАБГАЧА ТА’ЛИМ МУАССАСАСИНИНГ НАР ХИЛ YOSH GURUHLARIDA ELEMENTAR МАТЕМАТИК ТАСАВВУРЛАРНИ RIVOJLANTIRISHGA OID ISHLARNI TASHKIL QILISH. Academic research in educational sciences, 2(11), 1612-1614.
3. Саидова, Н. О., & Рустамова, Ш. Ш. К. (2021). МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА МАТЕМАТИК ТУШУНЧАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(Special Issue 2), 290-293.
4. Saidova, N. O., & Yigitaliyeva, M. S. (2022). МАКТАБ YOSHIDAGI BOLALARNING МАТЕМАТИК ҚОБИЛИЯТЛАРНИ RIVOJLANTIRISH. Results of National Scientific Research, 1(3), 53-59.

5. Saidova, N. (2022). BOLAJAK BOSHLANGICH SINFI OQITUVCHILARI KOMPETENTLIGINI OSHIRISHDA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINING ORNI. Zamonaviy dunyoda pedagogika va psixologiya: Nazariy va amaliy izlanishlar, 1(22), 4-7.
6. Olimovna, S. N. (2022). FORMATION OF QUANTITATIVE REPRESENTATIONS IN THE SECONDARY GROUPS IN PRE-SCHOOL EDUCATIONAL ORGANIZATIONS. INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876, 16(01), 58-60.
7. Olimovna, S. N. (2022). MAKTABGACHA TA'LIM TASHKILOTLARIDA HAR BIR YOSH GURUHIDA TEVARAK ATROFNI IDROK ETISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI. Results of National Scientific Research, 1(1), 115-119.
8. Sadullaeva N., Sapaeva D. Analysis of Eponyms in the Terminology of Dermatovenerology //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – C. 452-459.
9. Sadullaeva, N., & Bakhtiyorova, M. (2021). Reflection of Onomastic Principles in Naming. Annals of the Romanian Society for Cell Biology, 3001-3007.
10. Sadullaeva N., Burieva U. The Peculiarities of Incomplete Sentences in Modern English //Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – 2021. – C. 3008-3020.
11. Sadullaeva S., Arustamyan Y., Sadullaeva N. Shifting the assessment paradigm from knowledge to skills: Implementation of new appraisal procedures in EFL classes in Uzbekistan //International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering. – 2019. – T. 9. – №. 1. – C. 4943-4952.
12. Arustamyan, Y., Siddikova, Y., Sadullaeva, N., Solieva, M., & Khasanova, N. (2020). Assessment of Educational Process and its Organization. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(S1), 573-578.
13. Nilufar S., Elvira A. GENDER SPECIFICITY OF PEDAGOGICAL DISCOURSE //INTERNATIONAL SCIENTIFIC CONFERENCES WITH HIGHER EDUCATIONAL INSTITUTIONS. – 2023. – T. 3. – №. 08.05. – C. 187-190.
14. Gulnoza K., Sadullaeva N. LINGUISTIC FEATURES OF GLUTTONIC DISCOURSE.
15. Djafarova, Dildora, Yaxshiboyeva Nodira, and Abdullayeva Zulfiya. "Socio-Cultural Memory And Its Reflection In French Phraseology." Journal of Positive School Psychology (2022): 2883-2889.
16. Yaxshiboyeva, Nodira. "Reconstruction of coloristic expressions in erkin azam's" noise" and" pakana's love"." Конференции. 2021.
17. Ilhomovna, Djafarova Dildora, and Bobokalonov Odilshoh Ostonovich. "Interaction of Language Games in the Articulation of "Historical Memory" Within French and Uzbek Phraseology." American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education (2993-2769) 2.1 (2024): 348-354.
18. Ilhomovna, Djafarova Dildora, Bobokalonov Odilshoh Ostonovich, and J. A. Yakubov. "Archaic Phraseological Units as Windows into "Historical Memory" in French and Uzbek Linguistic Traditions." American Journal of Public Diplomacy and International Studies (2993-2157) 2.1 (2024): 163-169.
19. Ilhomovna, Djafarova Dildora, Bobokalonov Odilshoh Ostonovich, and Yaxshiboyeva Nodira Ergashovna. "Contemporary Usage of Archaic Phraseological Units Expressing "Historical Memory" In Uzbek and French Languages." American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education (2993-2769) 2.2 (2024): 371-377.

20. Ilhomovna, Djafarova Dildora. "Phraseological Units Expressing" Memory"/" Mémoire" in Linguistics and their Analysis through Texts." *Best Journal of Innovation in Science, Research and Development* 2.11 (2023): 490-492.
21. Яхшибоева, Нодира. "Таржима жараёнида маданиятлараро мулоқотнинг социолингвистик хусусиятлари." *Академические исследования в современной науке* 2.17 (2023): 165-169.
22. Иногамова, Ф. М., and Н. Э. Яхшибоева. "Фразеологик маънонинг конвенциаллиги." *Academic research in educational sciences* 3.5 (2022): 1176-1182.
23. Яхшибоева, Н. (2023). Туристический дискурс как один из особых видов институционального дискурса. *International Bulletin of Applied Science and Technology*, 3(6), 879-884.
24. Яхшибоева, Нодира. "The role of tourism terminology in french." *O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2023,[1/4]* (2023)